

Индонезиядаги ислом институти билан меморандуми имзоланди



19:49 / 08 январь 605

Тошкент ислом институти ва Индонезиянинг Кудус давлат ислом институти ўртасида Англашув меморандуми имзоланди.

Ушбу меморандумни Тошкент ислом институти ректори, профессор Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов ҳамда IAIN Кудус ректори, профессор Абдурроҳман Касдий онлайн тарзда ташкил этилган маросимда имзоладилар.

Маълумот ўрнида Кудус давлат ислом институти ректори, профессор Х.Абдурроҳман Касдий бошчилигидаги делегация ТИИга 2023 йил ноябрь ойида ташриф буюрган эди. Музокараларда таълим муассасалари ўртасида меморандум имзолаш ҳам кўзда тутилган эди.

Ҳамкорлик ҳужжати профессор-ўқитувчилар ва талабаларни алмашиш, таълим дастурлари ишлаб чиқиш, таълим муассасаларида малака ошириш ва қўшимча ўқув машғулотларини ташкил қилиш, семинар ва конференциялар ўтказиш, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, китоб ва манбалардан умумий фойдаланиш ва нашр ишларида ҳамкорлик

қилиш каби бандларни қамраб олган.